КАСБ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

# Postda
# На посту

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

2020-yil
25-oktabr
yakshanba

№ 39 (4477)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

## ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА ТАБРИГИ

**Ҳурматли ички ишлар тизими ходимлари!**

**Қадрли офицер ва генераллар, сержантлар ва сафдорлар!**

**Муҳтарам фахрийлар!**

Аввало, сиз, азизларни 25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Мустақиллик йилларида бутун мамлакатимиз қатори ички ишлар органлари ҳам ғоят шарафли ва масъулиятли йўлни босиб ўтди.

Соҳа ходимларининг жамоат тартиби ва тинчлик-осойишталикни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фидокорона хизматини, айниқса уларнинг бугунги пандемия шароитида кўрсатаётган жонбозликларини халқимиз яхши англайди ва муносиб қадрлайди.

**Азиз дўстлар!**

Кейинги тўрт йилда барча соҳалар сингари ички ишлар тизимида ҳам кенг кўламли ва пухта ўйланган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ички ишлар органларини **эл-юрт манфаатига хизмат қиладиган чинакам халқчил тизимга** айлантириш йўлида катта ишлар олиб борилмоқда.

Шу мақсадда ушбу тизим фаолияти тубдан такомиллаштирилиб, марказий аппаратдаги шахсий таркибнинг **85 фоизи** бевосита аҳоли яшаш пунктларига, қуйи тизимларга туширилди.

Ички ишлар органларини халққа янада яқинлаштириш, мурожаатларни туну кун қабул қилиш, мавжуд муаммоларни жойида ва ўз вақтида ҳал этиш мақсадида **200 тага яқин** ички ишлар бўлими ва бўлинмалари фаолияти тўлиқ янгитдан ташкил этилди.

Тизимдаги барча таркибий ва ҳудудий бўлинмалар, жумладан, профилактика, жиноят қидирув, тергов, йўл-патруль ва патруль-пост хизматлари, эксперт-криминалистика ва паспорт бўлинмалари мутлақо янгича мезонлар асосида қайта шакллантирилгани, ходимлар хизмат фаолиятига хос бўлмаган кўплаб ишлардан озод этилгани соҳада иш самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, жамоат жойлари ва кўчаларда хавфсизликни таъминлаш борасида ички ишлар органларининг Миллий гвардия билан биргаликдаги хизмати йўлга қўйилганини қайд этиш зарур.

Соҳада шахсий таркибни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг яшаш ва хизмат шароитларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнгги тўрт йилнинг ўзида **241** та хизмат уйлари қурилиб, уй-жойга эҳтиёжи бўлган ва хизматда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларнинг оилаларига топширилгани ҳам бу борадаги ишларимизнинг амалий тасдиғидир. Бундан ташқари, 2018–2020 йилларда соҳа ходимлари учун имтиёзли ипотека кредити асосида Тошкент шаҳрида барпо этилган замонавий кўп қаватли уйлардан **392** та, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда эса **2 минг**га яқин квартира ажратилди.

Ички ишлар органлари инновацион рақамли технологиялар ва ахборот-коммуникация тизимлари билан мунтазам таъминланмоқда. Биргина 2017–2020 йилларда шахсий таркиб учун 45 та янги хизмат объекти қурилиб, фойдаланишга топширилгани бу фикрни тасдиқлайди.

Жамият ҳаёти учун катта таҳдид бўлган уюшган жиноятчилик, терроризм, экстремизм, коррупция, одам савдоси ва наркотрафикка қарши кураш кучайтирилмоқда. Бу борада илм-фан ютуқлари ва илғор технологиялардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ана шундай ислоҳотларимиз натижасида ички ишлар органлари замонавий техника билан таъминланган, халқчил ва очиқ, криминоген вазиятни мустаҳкам ва ишончли назорат қила оладиган, мобиль ва ихчам тузилмаларга айланиб бормоқда. Энг муҳими, соҳа ходимларининг маънавий қиёфаси, жамиятимиздаги обрў-эътибори юксалиб бормоқда.

Сизларга яхши аёнки, жиноятчиликка қарши курашнинг энг самарали усули – профилактика, яъни қонунбузарликларнинг олдини олишдан иборат. **Шу мақсадда мамлакатимизда биринчи марта ҳар бир маҳаллага бир нафардан профилактика инспектори бириктирилди, уларга маҳалла раисининг ўринбосари мақоми берилди.**

**Биз профилактика инспектори текширувчи ёки назоратчи эмас, балки барча ҳаётий масалаларда маҳалла аҳлига кўмак берадиган,** чинакам елкадош, ёнма-ён турадиган **куч бўлишини вазифа қилиб қўйдик.** Ушбу ходимларнинг фаолиятини узлуксиз ташкил этиш ҳамда аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида уларга **6 787** та хизмат уйлари қуриб берилди, **7 388** та шахсий автомашина учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

Мамлакатимиз тарихида илк бор фақат аёл ходимлар ишлайдиган **хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор** лавозимлари жорий этилди. Бугунги кунда улар ҳар бир маҳаллада фуқаролар йиғинлари раисларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари билан ҳамкорликда опа-сингилларимизнинг маслаҳатчиси, ҳимоячиси ва кўмакдошига айланмоқда.

Билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолган ва жазони ўтаётган фуқароларнинг ижтимоий мослашувини, соғлом ҳаётга қайтишини таъминлашда ҳам ички ишлар органларининг ўрни ва роли ортиб бормоқда. Бу йўналишда илгариги жазони ижро этиш инспекцияси ўрнига **пробация хизматини** ташкил этдик. Ушбу хизмат маҳкумларни зарур касб-ҳунарларга ўқитиш ва тайёрлаш, ишга жойлаштириш, уларни хусусий тадбиркорликка жалб этиш, энг асосийси, иш берувчилар томонидан уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишида яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларимизнинг сайёҳлик жозибадорлигини ошириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги таркибида **хавфсиз туризмни ташкил этиш бўлинмалари** фаолиятини йўлга қўйганимиз ҳам муҳим қадам бўлди. Ҳозирги вақтда ушбу бўлинмаларда камида 3 та хорижий тилни биладиган, тарих, этнография ва санъат соҳасида чуқур маълумотга эга бўлган ёш ўғил-қизларимиз ўз хизмат вазифаларини муносиб адо этмоқдалар.

Бугунги кунда ички ишлар органлари учун профессионал кадрлар тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилаётгани, соҳада ўз бурчи ва қасамёдига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар ходимлар сони кўпайиб бораётганини ислоҳотларимизнинг энг муҳим натижаси сифатида қабул қиламиз.

Ички ишлар органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг янги тизими ўрнатилгани, ички ишлар органи бошлиғидан тортиб профилактика инспекторигача халқ олдида ҳисобот берадиган амалиёт жорий этилгани аҳолининг уларга бўлган ишончини янада оширмоқда.

**Ҳурматли соҳа вакиллари!**

Шиддат билан ўзгараётган бугунги мураккаб замонда дунёнинг турли минтақаларида ҳукм сураётган нотинч вазиятлар, қуролли тўқнашувлар ҳар биримизни доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди. Бундай шароитда уюшган трансмиллий жиноятчилик, терроризм ва экстремизм, наркобизнес, коррупция каби таҳдидларга қарши самарали курашиш, уларга кескин зарба бериш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган ана шундай ўткир, кечиктириб бўлмас талаблардан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш учун қуйидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим:

**биринчидан,** ички ишлар органлари учун интеллектуал ва профессионал билим даражаси, маънавий-ахлоқий савияси юқори бўлган кадрлар тайёрлаш бўйича сифат жиҳатидан янги тизимни жорий этиш;

**иккинчидан,** ички ишлар органларини, айниқса, профилактика, жиноят қидирув, тергов, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати ҳамда эксперт-криминалистика бўлинмаларини замонавий техника, ахборот коммуникация тизимлари ва махсус воситалар билан таъминлашни янада кучайтириш;

**учинчидан,** ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, амалий фаолиятга янгича иш услублари ва механизмларини, хусусан, рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш;

**тўртинчидан,** ходимлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини, жумладан, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, хизмат ва дам олиш шароитларини янада яхшилаш, уй-жой ва моддий таъминотини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш;

**бешинчидан,** мамлакатимиз ички ишлар органларининг шонли тарихини асраб-авайлаш, соҳа ходимлари ва фахрийларининг келгуси авлодларга намуна бўладиган жасоратини, кўрсатган ибрат намуналарини оммалаштириш, Ватанимиз мустақиллиги ва эл-юртимиз осойишталиги йўлида азиз жонларини фидо қилган ходимларнинг хотирасини эъзозлаш ва абадийлаштириш.

**Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси, десак, айни ҳақиқат бўлади.**

Биз бундан кейин ҳам ушбу соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳақиқий халқчил тизимга айлантириш учун бундан буён ҳам барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларга фидокорона меҳнатингиз, ўз хизмат бурчингиз, Ватанимиз ва халқимизга садоқатингиз учун чуқур миннатдорчилик билдираман.

Ушбу кунда эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида ҳалок бўлган мард ва жасур соҳа ходимларининг хотирасини ҳурмат-эҳтиром билан ёд этиб, уларнинг оилалари ва фарзандларига байрам табригимиз ва эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

**Ҳурматли ички ишлар ходимлари!**

**Муҳтарам фахрийлар!**

Сизларни яна бир бор касб байрамингиз билан чин юракдан қутлаб, барчангизга мустаҳкам соғлик, хонадонларингизга файзу барака, ғоят масъулиятли ва серқирра фаолиятингизда янги зафарлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимиз ички ишлар органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимизда жамоат хавфсизлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, жиноятчиликка қарши курашиш тизимини такомиллаштириш борасидаги алоҳида хизматлари, шунингдек, шарафли бурчини бажариш чоғида кўрсатган мардлик ва жасорат намунаси ҳамда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**II даражали «Шон-шараф» ордени билан**

**Сатволдиев Шухратжон Хошимович** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

**«Мардлик» ордени билан**

**Атаходжаев Адил Иргашевич** – Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

**Турсунов Рустам Рахмонович** – Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Саитбаев Тимур Ренатович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг тезкор-қидирув фаолияти кафедраси профессори

**II даражали «Саломатлик» ордени билан**

**Закирова Феруза Гулямовна** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Марказий поликлиникаси бош шифокори

**Муминова Азиза Рустамовна** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Ўзбекистон» санаторийси бошлиғи

**«Дўстлик» ордени билан**

**Пирлепесов Саламат Турганбаевич** – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ходими

**Сальникова Светлана Юрьевна** – Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг эксперт-криминалистика гуруҳи катта эксперти

**«Жасорат» медали билан**

**Бокиев Равшан Орибжонович** (марҳум) – Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Нишонов Ойбек Хамроқулович** (марҳум) – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг экспертиза ва криминалистика бўлинмаси эксперти

**Умаров Салим Усмонали ўғли** (марҳум) – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**«Содиқ хизматлари учун» медали билан**

**Абдуллаев Шерзод Хомид ўғли** – Фарғона вилояти Фарғона шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

**Валихужаев Жамолиддин Алавидинхужаевич** – Тошкент вилояти Қибрай тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Джахонов Азизхон Пайзуллахонович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи

**Джумаева Наргиза Тургуновна** – Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

**Жанбиев Дилшод Кушкарович** – Тошкент вилояти Бўка тумани ички ишлар бўлимининг 1-ички ишлар бўлинмаси бошлиғи

**Маткурбанов Гулмурат Зарипбаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

**Наманхўжаев Азимхўжа Тохирхўжа ўғли** – Наманган вилояти Наманган шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

**Наркабилов Мухидин Турсунович** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги терговбошқармаси катта терговчиси

**Ортиқов Уматали Рахимович** – Андижон вилояти Улуғнор тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Рауфжонов Шуҳрат Абдурашидович** – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармасининг тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Саидов Тимур Аббасхонович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Сайидов Аброр Ахрорович** – Бухоро вилояти Олот тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Тошбеков Миркомил Абдусалимович** – Қорақалпоғистон Республикаси бўйича портлатиш ускуналарини зарарсизлантириш махсус отряди командири

**Шоймардонов Баҳодир Абдурахимович** – Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани ички ишлар бўлимининг 8-ички ишлар бўлинмаси бошлиғи

**Эркаев Одилбек Нурмаматович** – Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари

**«Шуҳрат» медали билан**

**Абдурасулова Назирахон Эргашалиевна** – Фарғона вилояти Қўқон шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси катта терговчиси

**Даулетбаев Аманбай Асенбаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими ҳузуридаги тергов бўлинмаси бошлиғи

**Жаббаров Уткир Абдусатторович** – Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Журакулов Бунёд Арзикулович** – Самарқанд вилояти Булунғур тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

**Камолов Отабек Кудратович** – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори

**Курбанов Ахрор Абдукаримович** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси муҳим топшириқлар бўйича инспектори

**Маматназаров Лазизбек Тураqулиевич** – Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси 11-жазони ижро этиш колонияси бошлиғининг ўринбосари

**Махамадалиев Равшан Кучкарович** – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси катта тезкор вакили

**Мовлонов Умиджон Эсонқулович** – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи

**Рашидов Дилшодбек Абдумажитович** – Андижон вилояти Андижон шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси тезкор вакили

**Сайипов Тулкун Тургунович** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати катта инспектори

**Содиқов Алишер Розиқович** – Навоий вилояти Хатирчи тумани ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

**Турдиев Нурбек Абдивасиевич** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг патруль-пост хизмати бригадаси сафдор ходими

**Тўхтаев Улуғбек Жололдинович** – Андижон вилояти Ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Усмонов Салимжон Собиржонович** – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармасининг патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси сафдор ходими

**Худойбердиев Тулкинжон Рахмонбердиевич** – Сирдарё вилояти Ховос тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Юлдашев Темур Азадович** – Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси бошқарма бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

# ПОЗДРАВЛЕНИЕ ПРЕЗИДЕНТА ШАВКАТА МИРЗИЁЕВА СОТРУДНИКАМ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ УЗБЕКИСТАНА

**Уважаемые сотрудники органов внутренних дел!**

**Офицеры и генералы, сержанты и рядовые!**

**Дорогие наши ветераны!**

Искренне поздравляю вас с 25-м октября – Днем сотрудников органов внутренних дел Республики Узбекистан.

В годы независимости органы внутренних дел вместе со всей страной также прошли славный и очень ответственный путь.

Наш народ хорошо осознает значение службы сотрудников сферы по обеспечению общественного порядка, мира и спокойствия, защите прав и свобод граждан и высоко ценит самоотверженность, которую они проявляют, особенно в нынешних условиях пандемии.

**Дорогие друзья!**

В последние четыре года в системе внутренних дел, как и в других сферах, осуществляются широкомасштабные и глубоко продуманные реформы. Проводится большая работа по обеспечению верховенства закона в обществе, **превращению органов внутренних дел в истинно народную структуру, служащую интересам страны.**

Кардинально усовершенствована вся система, **85 процентов** личного состава аппаратов управления переведены в низовые подразделения, в места, непосредственно приближенные к населенным пунктам.

Для того, чтобы органы внутренних дел стали ближе к народу, обеспечения непрерывного приема обращений, и днем и ночью, своевременного решения имеющихся на местах проблем создано **около 200** новых отделов и отделений внутренних дел.

Важным фактором повышения эффективности системы послужило переформирование по абсолютно новым критериям всех структурных и региональных подразделений, в частности, служб профилактики, уголовного розыска, следствия, дорожно-патрульной и патрульно-постовой службы, экспертно-криминалистических и паспортных подразделений, освобождение сотрудников от несвойственных им функций.

Стоит отметить, что органами внутренних дел и Национальной гвардией была налажена совместная деятельность по обеспечению безопасности на улицах и в общественных местах.

Пристальное внимание уделено социальной защите личного состава, улучшению условий службы, решению жилищных вопросов. Практическим результатом этой работы стало то, что за последние четыре года был построен **241** служебный дом, их предоставили нуждающимся в жилье семьям сотрудников, являющихся примером на службе. Кроме того, в 2018–2020 годах на основе льготного ипотечного кредитования сотрудникам выделены **392** квартиры в современных многоэтажных домах, возведенных в Ташкенте, около **двух тысяч** квартир – в Республике Каракалпакстан и областях.

Органы внутренних дел последовательно оснащаются инновационными цифровыми технологиями и информационно-коммуникационными системами. Только в 2017–2020 годах для личного состава построено и введено в эксплуатацию 45 новых служебных объектов.

Усилена борьба с такими угрозами для жизни общества, как организованная преступность, терроризм, экстремизм, коррупция, торговля людьми и наркотрафик. В этом деле особое внимание уделяется эффективному использованию научных достижений и передовых технологий.

В результате реформ органы внутренних дел становятся поистине народной и открытой структурой, мобильной и компактной, оснащенной современными технологиями, способной на достойном уровне контролировать криминогенную обстановку. Главное, укрепляются моральные качества сотрудников, повышается их авторитет в обществе.

Как известно, самый действенный метод в борьбе с преступностью – профилактика, предупреждение правонарушений. **Для этого впервые в нашей стране за каждой махаллей был закреплен инспектор по профилактике, приравненный по статусу к заместителю председателя махалли.**

**Мы поставили перед инспектором по профилактике задачу стать той силой, которая всегда будет находиться рядом с жителями махалли и помогать им в решении всех проблем, а не быть контролирующим и проверяющим звеном.** В целях обеспечения организации непрерывной деятельности и близости к населению для них построено **6 787** служебных домов, выделены льготные кредиты на приобретение **7 388** личных автомобилей.

Впервые в истории нашей страны введена должность **инспектора по вопросам женщин**, на которой работают только женщины-сотрудницы. Тесно сотрудничая с заместителями председателей махаллинских сходов граждан по вопросам женщин, сегодня они становятся советниками, защитниками и помощниками наших матерей и сестер.

Растет роль и значение органов внутренних дел в социальной адаптации и возвращении к здоровой жизни граждан, по разным причинам вставших на путь преступлений и отбывающих наказание за содеянное. Вместо инспекции исполнения наказания мы создали **службу пробации**. Эта служба оказывает посильную помощь осужденным в обучении и подготовке необходимым профессиям, трудоустройстве, ведении частного предпринимательства, а самое главное, в обеспечении их прав и интересов со стороны работодателей.

Образование в составе Министерства внутренних дел **подразделений по обеспечению безопасного туризма** стало важным шагом в развитии этой сферы в нашей стране, повышении туристской привлекательности городов и сел. В настоящее время в этих подразделениях достойно несут службу наши юноши и девушки, владеющие не менее чем тремя иностранными языками, имеющие глубокие познания в области истории, этнографии и искусства.

Создание эффективной системы подготовки профессиональных кадров для органов внутренних дел, в рядах которых становится все больше сотрудников, обладающих такими качествами, как патриотизм и гуманизм, верных своему служебному долгу и присяге, мы воспринимаем как самый важный результат наших реформ.

С внедрением новой системы парламентского и общественного контроля за деятельностью органов внутренних дел, практики отчетности перед народом всех сотрудников – от руководителя до инспектора по профилактике – значительно возрастает доверие к ним населения.

**Уважаемые представители сферы!**

В наше непростое, стремительно меняющееся время, когда в разных точках мира наблюдаются нестабильность, вооруженные столкновения, мы должны всегда быть бдительными. В этих условиях все большую актуальность приобретает решительное и эффективное противодействие таким угрозам, как организованная транснациональная преступность, терроризм и экстремизм, наркобизнес и коррупция.

Исходя из этих важных и насущных требований, которые ставит перед нами сама жизнь, в целях дальнейшего повышения эффективности деятельности органов внутренних дел мы должны обратить особое внимание реализации следующих задач:

**во-первых,** внедрение качественно новой системы подготовки для органов внутренних дел интеллектуально-профессиональных кадров, обладающих высоким духовно-нравственным уровнем;

**во-вторых,** усиление работы по обеспечению органов внутренних дел, особенно служб профилактики, уголовного розыска, следствия, дорожно-патрульной и патрульно-постовой служб, а также экспертно-криминалистических подразделений современной техникой, информационно-коммуникационными системами и специальными средствами;

**в-третьих,** широкое внедрение в практику новейших методов и механизмов работы, цифровых технологий на основе глубокого изучения передового опыта развитых зарубежных государств;

**в-четвертых,** поэтапное укрепление системы социальной защиты сотрудников и их семей, в частности, предоставление квалифицированных медицинских услуг, улучшение условий службы и отдыха, материального и жилищного обеспечения;

**в-пятых,** сохранение славной истории органов внутренних дел нашей страны, пропаганда героизма сотрудников и ветеранов системы, которые служат примером для будущих поколений, почтение и увековечение памяти сотрудников, отдавших жизни во имя независимости Родины и спокойствия народа.

**Основная точка опоры государства – это закон, и будет справедливым сказать, что самая эффективная система, способная показать его силу на практике – это сфера внутренних дел.**

Мы и впредь будем направлять все наши силы и возможности на всестороннее развитие данной сферы, укрепление ее материально-технической базы, кадрового потенциала, становление органов как поистине народной системы. Выражаю вам, дорогие мои, глубокую благодарность за самоотверженный труд, верность служебному долгу, Родине и народу.

В этот день мы с почтением вспоминаем о мужественных и самоотверженных сотрудниках сферы, отдавших жизни во имя мира и спокойствия в стране, и вместе с праздничными поздравлениями выражаем наилучшие пожелания их семьям, детям.

**Уважаемые сотрудники органов внутренних дел!**

**Дорогие ветераны!**

Еще раз поздравляю вас с профессиональным праздником, желаю всем вам крепкого здоровья, семейного благополучия, новых достижений в вашей ответственной и многогранной деятельности.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Президент**
**Республики Узбекистан.**

УКАЗ
*Президента Республики Узбекистан*

# О НАГРАЖДЕНИИ ГРУППЫ СОТРУДНИКОВ В СВЯЗИ С ДНЕМ СОТРУДНИКОВ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

*За многолетний плодотворный труд в органах внутренних дел нашей страны, особые заслуги в обеспечении общественной безопасности и спокойствия народа, укреплении мира и стабильности, повышении эффективности профилактики правонарушений, совершенствовании системы борьбы с преступностью, а также проявленные мужество и отвагу при исполнении почетного долга, достойный вклад в воспитание молодого поколения в духе любви и преданности Родине наградить:*

**орденом «ШОН-ШАРАФ» II степени**

**Сатволдиева Шухратжона Хошимовича** – начальника Управления внутренних дел Кашкадарьинской области

**орденом «МАРДЛИК»**

**Атаходжаева Адила Иргашевича** – начальника Управления внутренних дел Наманганской области

**Турсунова Рустама Рахмоновича** – начальника Управления внутренних дел Навоийской области

**орденом «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ»**

**Саитбаева Тимура Ренатовича** – профессора кафедры оперативно-розыскной деятельности Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан

**орденом «САЛОМАТЛИК» II степени**

**Закирову Ферузу Гулямовну** – главного врача Центральной поликлиники Министерства внутренних дел Республики Узбекистан

**Муминову Азизу Рустамовну** – начальника санатория «Ўзбекистон» Министерства внутренних дел Республики Узбекистан

**орденом «ДЎСТЛИК»**

**Пирлепесова Саламата Турганбаевича** – сотрудника Управления внутренних дел Бухарской области

**Сальникову Светлану Юрьевну** – старшего эксперта экспертно-криминалистической группы Управления координации деятельности органов внутренних дел по Чиланзарскому району города Ташкента

**медалью «ЖАСОРАТ»**

**Бокиева Равшана Орибжоновича (посмертно)** – старшего инспектора по профилактике отдела внутренних дел Пастдаргомского района Самаркандской области

**Нишонова Ойбека Хамрокуловича (посмертно)** – эксперта отделения экспертизы и криминалистики Управления внутренних дел Сырдарьинской области

**Умарова Салима Усмонали угли (посмертно)** – инспектора дорожно-патрульной службы управления безопасности дорожного движения Главного управления внутренних дел города Ташкента

**медалью «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»**

**Абдуллаева Шерзода Хомид угли** – старшего инспектора по профилактике Управления координации деятельности органов внутренних дел по городу Фергане Ферганской области

**Валихужаева Жамолиддина Алавидинхужаевича** – старшего инспектора по профилактике отдела внутренних дел Кибрайского района Ташкентской области

**Джахонова Азизхона Пайзуллахоновича** – начальника отдела Министерства внутренних дел Республики Узбекистан

**Джумаеву Наргизу Тургуновну** – старшего оперуполномоченного отдела внутренних дел Джаркурганского района Сурхандарьинской области

**Жанбиева Дилшода Кушкаровича** – начальника отделения внутренних дел № 1 отдела внутренних дел Букинского района Ташкентской области

**Маткурбанова Гулмурата Зарипбаевича** – старшего оперуполномоченного отдела внутренних дел Кегейлийского района Республики Каракалпакстан

**Наманхужаева Азимхужу Тохирхужа угли** – старшего инспектора по профилактике Управления координации деятельности органов внутренних дел по городу Намангану Наманганской области

**Наркабилова Мухидина Турсуновича** – старшего следователя следственного управления при Управлении внутренних дел Кашкадарьинской области

**Ортикова Уматали Рахимовича** – старшего инспектора по профилактике отдела внутренних дел Улугнарского района Андижанской области

**Рауфжонова Шухрата Абдурашидовича** – старшего специалиста мобильного отряда оперативного назначения Управления внутренних дел Джизакской области

**Саидова Тимура Аббасхоновича** – заместителя начальника Управления информационных технологий, связи и защиты информации Министерства внутренних дел Республики Узбекистан

**Сайидова Аброра Ахроровича** – старшего инспектора по профилактике отдела внутренних дел Алатского района Бухарской области

**Тошбекова Миркомила Абдусалимовича** – командира специального отряда по обезвреживанию взрывных устройств по Республике Каракалпакстан

**Шоймардонова Баходира Абдурахимовича** – начальника отделения внутренних дел № 8 отдела внутренних дел Шароф-Рашидовского района Джизакской области

**Эркаева Одилбека Нурмаматовича** – заместителя начальника отдела внутренних дел Хазараспского района Хорезмской области

**медалью «ШУҲРАТ»**

**Абдурасулову Назирахон Эргашалиевну** – старшего следователя Управления координации деятельности органов внутренних дел по городу Коканду Ферганской области

**Даулетбаева Аманбая Асенбаевича** – начальника следственного отделения при отделе внутренних дел Кунградского района Республики Каракалпакстан

**Жаббарова Уткира Абдусатторовича** – старшего инспектора по профилактике отдела внутренних дел Байсунского района Сурхандарьинской области

**Журакулова Бунёда Арзикуловича** – начальника отдела внутренних дел Булунгурского района Самаркандской области

**Камолова Отабека Кудратовича** – старшего инспектора управления безопасности дорожного движения Управления внутренних дел Джизакской области

**Курбанова Ахрора Абдукаримовича** – инспектора по особым поручениям управления патрульно-постовой службы и охраны общественного порядка Управления внутренних дел Кашкадарьинской области

**Маматназарова Лазизбека Туракулиевича** – заместителя начальника колонии исполнения наказания № 11 Управления внутренних дел Навоийской области

**Махамадалиева Равшана Кучкаровича** – старшего оперуполномоченного Главного управления внутренних дел Ташкентской области

**Мовлонова Умиджона Эсонкуловича** – начальника управления патрульно-постовой службы и охраны общественного порядка Управления внутренних дел Сырдарьинской области

**Рашидова Дилшодбека Абдумажитовича** – оперуполномоченного Управления координации деятельности органов внутренних дел по городу Андижану Андижанской области

**Сайипова Тулкуна Тургуновича** – старшего инспектора дорожно-патрульной службы управления безопасности дорожного движения Главного управления внутренних дел города Ташкента

**Содикова Алишера Розиковича** – старшего оперуполномоченного отдела внутренних дел Хатырчинского района Навоийской области

**Турдиева Нурбека Абдивасиевича** – рядового сотрудника бригады патрульно-постовой службы Главного управления внутренних дел города Ташкента

**Тухтаева Улугбека Жололдиновича** – инспектора дорожно-патрульной службы управления безопасности дорожного движения Управления внутренних дел Андижанской области

**Усмонова Салимжона Собиржоновича** – рядового сотрудника управления патрульно-постовой службы и охраны общественного порядка Главного управления внутренних дел Ташкентской области

**Худойбердиева Тулкинжона Рахмонбердиевича** – старшего инспектора по профилактике отдела внутренних дел Хавастского района Сырдарьинской области

**Юлдашева Темура Азадовича** – начальника управления Управления внутренних дел Хорезмской области

**Президент Республики Узбекистан Ш. МИРЗИЁЕВ.**





**25 ОКТЯБРЬ – ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ**

**ИИВ Молия ва моддий-техник таъминоти департаменти Хўжалик бошқармаси алоҳида қўриқлаш отряди ходимлари – кичик сержант Комилжон Султонов ва сафдор Аббосхон Аҳмедов хизмат жараёнида.**

**Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ ППХ 4-батальони 1-отряд ходими, сафдор Даврон Исроилов тезкор алоқага чиқаяпти.**

ИСЛОҲОТ ВА САМАРА





# АҲОЛИ МИННАТДОР ВА РОЗИ БЎЛСА...





**Кейинги йилларда ички ишлар органларида ўтказилган ислоҳот ва янгиланишлар, аввало, фуқаролар манфаатига хизмат қилмоқда.**

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманига қарашли Улуғбек шаҳарчаси тумандан узоқда жойлашгани шаҳарчада истиқомат қилувчи аҳолига муайян қийинчилик туғдирарди. Аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш учун ўтган йили шаҳарчада туман ИИОФМБга қарашли 9-сонли ИИБ иш бошлади. Эски бино қайтадан таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди. Бино зарур техник воситалар билан жиҳозланиб, барча шарт-шароитлар яратилди.

– Шаҳарча аҳолиси аввал ариза ва мурожаатлар ҳамда паспорт ҳужжатлари бўйича қарийб 20 километр узоқликдаги туман ИИОФМБга борарди. Ҳозир мазкур масалаларнинг ҳаммаси шу бўлимда қисқа фурсатларда ҳал этилмоқда, – дейди биз билан суҳбатда 9-сонли ИИБ бошлиғи, подполковник Олимжон Аловов.

9-сонли ИИБ «Улуғбек» маҳалла фуқаролар йиғини билан битта бинода жойлашган. Бу, табиийки, ҳамкорликда иш олиб бориб, хизмат фаолияти самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

– Аҳоли сони 7171 нафардан иборат бўлиб, ҳовли тураржойлар 418 та, кўп қаватли уйлар 40 тани ташкил қилади, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуқаҳҳор Қурбонов. – Ҳудудимизда Фанлар академияси Ядро физикаси институти жойлашган бўлиб, аҳолининг аксарият қисми шу ерда фаолият кўрсатади. Шунинг учун ҳам шаҳарчамизни олимлар, зиёлилар қўним топган жой сифатида ҳам билишади. Келгусида Президентимизнинг ташаббуси билан бу ерни том маънода олимлар шаҳарчасига айлантириш режалаштирилган. Яқин вақтларда бу ерга бошқа илмий-тадқиқот институтларини ҳам кўчириб келиш кўзда тутилган.

Яқинда «Facebook» ижтимоий тармоғида Улуғбек шаҳарчасида истиқомат қилувчи бир фуқаронинг миннатдорлиги эълон қилинди. Айтилишича, у бир танишига уй олди-сотдиси масаласини ҳал этиш учун 1000 АҚШ доллари ва уй ҳужжатларини бериб юборади. Орадан маълум вақт ўтса-да, таниши ишни ҳал қилмасдан, пулнинг озроғини қайтариб, қолганини бермасдан, пайсалга солиб юради. Бошқа чораси қолмаган фуқаро 9-сонли ИИБга мурожаат қилади. ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракати билан муаммо ҳал этилади. Шу боис фуқаро 9-сонли ИИБ бошлиғи, подполковник О. Аловов, профилактика инспектори, катта лейтенант Д.Сманалиев ва тезкор вакил, лейтенант Ш.Муҳаммадқуловга ўзининг миннатдорлигини билдиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, 9-сонли ИИБ ходимларини ҳудуд тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш баробарида, аҳоли миннатдорлигига эришиш йўлида фидокорона хизмат олиб боришмоқда. Зеро, халқ розилигига эришиш ғоят шарафли ишдир.

**Сарвар СОБИРОВ, «Postda» мухбири.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!







ЎҒЛОНЛАРИН УНУТМАС ВАТАН

# КАСБИГА СОДИҚ, ОДАМЛАРГА МЕҲРИБОН ЭДИ

**Она Ватан ишқи билан яшаш, унинг тинчлик-осойишталигини кўз қорачиғидек асраш шу замин фарзанди бўлган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Бундай шарафли вазифани адо этиш эса кишидан улкан масъулият ва метин иродани талаб этади. Лейтенант Ойбек Нишонов зиммасидаги ана шундай залворли масъулиятни теран англайдиган инсонлардан бири эди...**



Ёшлигидан илмга чанқоқлиги ва изланувчанлиги билан тенгдошлари орасида алоҳида ажралиб турган Ойбек ўрта махсус билим юртини аъло баҳоларга тамомлагач, йигитлик бурчини адо этиб, осойишталик посбони бўлишга қатъий қарор қилади.

Тошкент автомобиль йўллари институтини муваффақиятли тамомлаган О. Нишонов Янгиер шаҳрини ёнғиндан муҳофаза қилувчи 5-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмига хизматга қабул қилинади. Фаолияти давомида кўплаб инсонларни «тилсиз ёв» касридан қутқарган, уларнинг мол-мулкини сақлаб қолган юрт фидойиси халқнинг юксак ишончига сазовор бўлди. Тажрибали устозлари кўмагида соҳанинг сир-асрорларини мукаммал эгаллаган Ойбек Нишонов ҳамкасблари орасида ҳам ўзини ижобий томондан кўрсата олди.

2006 йилнинг февраль ойида вилоят ИИБ экспертиза ва криминалистика бўлимига бевосита бўйсунувчи Экспертиза ва криминалистика лавозимига тайинланган ҳамда ўзини мард, жасур, ташаббускор ва малакали мутахассис сифатида намоён этган лейтенант О. Нишонов зиммасига юклатилган вазифаларни доимо ўз вақтида бажарарди. Унинг орзулари мўл, режалаштирган ишлари эса бисёр эди. Аммо кутилмаган фожиа уни орамиздан эрта олиб кетди...

Ўшанда 2006 йилнинг 16 май куни эди. Янгиер шаҳридаги «Сувоқова» корхонаси ишчилари участка раҳбари Ф. Қаландаров бошчилигида техника хавфсизлиги қоидаларини бузган ҳолда, 6 метр чуқурликдаги канализация қудуғига тушиб, аммиак газидан заҳарланиш оқибатида ҳалок бўлишади. Таъмирлаш ишлари билан шуғулланаётган яна 4 нафар ходим қўшимча кучлар етиб келгунига қадар уларни қутқариш мақсадида пастга тушиб, ҳавосиз бўшлиқда қолиб, юқорига чиқа олмайди.

Янгиер шаҳар ИИБга келиб тушган «ташвиш» сигналига кўра, таркибида лейтенант Ойбек Нишонов бўлган тергов-тезкор гуруҳи воқеа жойига етиб боради. Керак бўлса, халқи учун жонини фидо қилишга ҳам тайёр Ойбек вақтни бой бермасдан, қудуқ ичида қолиб кетган ишчиларни қутқаришга киришади. Мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган О. Нишонов қудуқнинг ичига тушиб, ҳушсиз ҳолда ётган А. Халикулов ва А. Юсуповни қисқа вақт ичида юқорига олиб чиқади. Сўнгра таъмирчи усталарни олиб чиқиш учун яна пастга тушади. Бироқ юқорига чиқишга бир неча метр қолганида аммиак газидан заҳарланган Ойбек Нишонов шу ернинг ўзида ҳаёт билан видолашади.

Юксак одоб-ахлоқ фазилатларига эга, касбига содиқ, одамларга ғамхўр лейтенант Ойбек Нишонов ўзини ўйламай, ўзгалар ҳаётини сақлаб қолиш йўлида жонбозлик кўрсатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Аммо ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонган, жасур ва мард ўғлон ўз фидойилиги билан халқимиз қалбида абадий муҳрланиб қолади.

**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

# ҚАЛБДАГИ СЎНМАС ОҒРИҚ



Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги қишлоқлардан бирида вояга етган Салим Умаров эндигина 30 ёшни қаршилаганди. Лекин муддиш ўлим уни орамиздан эрта олиб кетди.

1 сентябрь соат 19:00 лар атрофи... Ҳамма байрам оғушида. Пойтахт аҳли Мустақиллик кунини нишонламоқда эди. Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ 2-батальон ЙПХ инспектори, катта сержант Салим Умаров эса Миробод тумани ҳудудида, Grand Mir Hotel меҳмонхонасига яқин жойда кучайтирилган режимда хизматни ўтарди. Кўтаринки кайфиятда, ҳайдовчиларга оқ йўл, пиёдаларга эса омад тилаган ҳолда, фаолият олиб бораётган инспектор бугунги кун унинг учун энг сўнггиси бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

У «Каптива» автомашинасини текшириш учун тўхтатди. Ҳайдовчига ҳужжатларини қайтариб берган катта сержант автоуловни айланиб ўтиб, йўл чети томон йўналган ҳам эдики, кутилмаганда фалокат юз берди. Катта тезликда ҳаракатланаётган «Ласетти» автомашинаси ҳайдовчиси бошқарувни йўқотиб, тўхтаб турган «Каптива» билан тўқнашди. Сўнг инерция бўйича ҳаракатни давом эттириб, йўл четидаги ходимни уриб юборди. «Ласетти» рулида ишончнома билан автомобилни бошқараётган 19 ёшли йигит ўтирарди. Осойишталик посбони шу заҳотиёқ шифохонага етказилди.

Саломатлик посбонлари уни асраб қолиш учун қўлидан келганини қилишди. Бу дунёдан ҳали умидлари кўп, катта-катта орзулари бўлган Салим уч кун ҳаёт учун курашди. Афсуски, шифокорларнинг барча уриниши бесамар кетди. Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ йўл-патруль хизмати инспектори, катта сержант Салим Усмонали ўғли Умаров 4 сентябрь куни, тонгги соат 7:00 да, хизмат бурчини бажариш чоғида олган оғир жароҳатлари оқибатида вафот этди.

Салим Умаровнинг вояга етмаган фарзандлари: 8 ёшли Учқунбек, 5 ёшли Ҳасан ва Зуҳра ота меҳридан мосуво бўлишди.

Аслида марҳум катта сержант Салим Умаровга бу ота касб эди. Сулола касбини давом эттираётган икки ака ва бир укаси каби, у ҳам отаси Усмонали Умаровнинг изидан бориб, осойишталик посбони бўлганди.

– Ҳеч кимга бундай кўргуликни раво кўрмайман, – ўксиб-ўксиб йиғлайди онаизор Махлуба Умарова. – Ҳеч бир ота-онага фарзанди орқасидан куйиш, «боламлаб» қолиш насиб қилмасин. Бу қалбимиздаги сўнмас оғриқ бўлди. Начора, Аллоҳнинг ишларига кўникишга мажбурмиз. Ҳамкасблари орасида ҳурмат-эътибор қозонган шундай ўғлим билан фахрланаман.

**Азиза АЪЗАМХЎЖАЕВА,**
**«На посту» мухбири.**

ПАМЯТЬ

# «ПОГИБ ПРИ ИСПОЛНЕНИИ»

**Сотрудники органов внутренних дел всегда находятся на своем посту. В любых условиях, ночью и днем, в дождь и зной они охраняют покой наших граждан, заботятся о мире и процветании Родины. Порой ценой собственной жизни. В те моменты, когда другие пасуют, они приходят на помощь, оставаясь верными данной ими присяге – защищать народ и Отчизну. О таких сотрудниках народ не забывает, они остаются навсегда в памяти людей.**



Один из них – старший инспектор профилактики группы профилактики правонарушений ОВД Пастдаргомского района Самаркандской области старший лейтенант Равшан Бокиев.

Трагедия произошла ночью на 33 километре трассы 4R-46, проходящей по территории махалли Олти Кахрамон в Пастдаргомском районе. Пьяный водитель «Дамаса», 30-летний У. Т., двигаясь на большой скорости, сбил троих человек, стоявших у обочины, – находившегося на службе 31-летнего инспектора профилактики и двух молодых людей – 2001 г. р. и 1993 г. р. В результате все трое были доставлены в больницу. Несмотря на усилия врачей, Равшан Бокиев скончался в больнице.

Смерть близкого человека – тяжелое испытание для родных, в особенности для матери.

– Мой сын с детства мечтал служить Родине, мысль о том, чтобы посвятить жизнь работе в органах внутренних дел, не покидала его никогда, – вспоминает мать погибшего Гулсу Рустамова. – Маленький мальчик, смотрящий на мир с большими надежами, дал себе слово стать таким же, как его папа.

Сразу после окончания СамГУ в 2014 году выпускник университета, успешно пройдя профотбор и собеседование, был принят в ряды сотрудников ОВД. Прослужив три года в отделе охраны Пастдаргомского РОВД, был назначен инспектором профилактики одной из махаллей района. По словам коллег, это был простой в общении, сердечный человек, надежный товарищ, хороший специалист. Он отличался открытостью и искренностью.

Равшан Бокиев ушел из жизни совсем молодым. Двое детей Равшана стали сиротами. Он оставил целый мир нереализованных планов. Трудно подобрать слова, которые в полной мере передали бы те переживания, которые испытывают близкие в связи с утратой. Низкий поклон родителям, воспитавшим достойного сына.

**Соб. корр.**

СОҲА ФИДОЙИЛАРИ

# ТИНИБ-ТИНЧИМАС ХОДИМ



**ИИВ Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси махсус тайёргарлик ўқув марказининг ўқув-услубий таъминлаш бўлимининг бош мутахассис-методисти, майор Умид Бўронов ҳамкасбларига алоҳида ўрнак кўрсатиб келмоқда. У ички ишлар органларининг турли лавозимларида 2005 йилдан буён хизмат қилади. Фаолиятининг кейинги йилини айнан мазкур марказдаги таълим-тарбия ишларига бағишлади.**

Майор Умид Бўронов марказда ташкил этилган ўқув курсларининг сифатли ва илғор тажрибалар асосида ўтказилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ўқув дастурларини тайёрлашда ҳамда норматив-ҳуқуқий ва ички идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ўз ҳиссасини қўшган. Марказнинг мутахассис ходимлари томонидан Тошкент давлат юридик университети Ихтисослаштирилган филиалининг жами 283 нафар талабаларига «Zoom» орқали онлайн машғулотларининг ўтказилишида бевосита иштирок этиб, тегишли меъёрий ҳужжатларни тайёрлаган. Марказ мутахассислари ва катта инструктор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган 55 та махсус ўқув-услубий ҳамда 3 та видеоқўлланмаларга тақризлар муаллифи.

Шунингдек, коронавирус пандемияси даврида ички ишлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳарбий хизматчилари билан ташкиллаштирилиб ўтказилган сайёр ўқув курсларининг сифатли ўтишига ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Осмон қадар орзулари сари одимлаб бораётган майор Умид Бўронов каби тиниб-тинчимас, фидойи ва эл хизматига камарбаста ходимлар сафи янада ортишига тилакдошмиз.

**Адолат ФАЙЗИЕВА,**
**«Postda» мухбири.**





**ИИВ 1-сонли Тошкент академик лицейида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.**

ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

# ИШОНЧ ВА ИБРАТГА САЗОВОР

**Иқтидорли ёшлар ички ишлар органлари тизимида талайгина. Лейтенант Беҳруз Асадов ҳам ана шундай қобилиятли ёшлардан биридир. У 26 карра Ўзбекистон, 4 маротаба Осиё чемпиони ҳамда кубоклар совриндоридир. Жумладан, 2018 йил Боку шаҳрида ўтказилган Халқаро ярим марафонда қатнашиб, 21 километрлик масофани 1 соату 8 дақиқада босиб ўтиб, биринчи ўринни эгаллаган.**



**Беҳруз Асадов 26 карра Ўзбекистон, 4 маротаба Осиё чемпиони ҳамда кубоклар совриндоридир. Жумладан, 2018 йил Боку шаҳрида ўтказилган Халқаро ярим марафонда қатнашиб, 21 километрлик масофани 1 соату 8 дақиқада босиб ўтиб, биринчи ўринни эгаллаган.**

Беҳрузнинг ички ишлар органлари ходими бўлишини отаси Голибжон ўғлидан кам истамасди. Шу боис ҳам унинг спорт билан шуғулланишига катта эътибор берди. Беҳруз 7-синфга ўтгандан кейин унинг «Бухоро» спорт мажмуасида енгил атлетика билан шуғулланишини таъминлади.

– 2010 йили «Умид ниҳоллари» мусобақасида илк бора қатнашиб, 1000 метрга югуриб, учинчи ўринни олгандим. Шу тариқа, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларида ўрта ҳамда узоқ масофаларга югуриб, вилоятимиз шарафини ҳимоя қилиб келганман. 2012 йили енгил атлетика бўйича Ўзбекистон очиқ кубогида 3000 метр масофани 9 дақиқаю 43 сонияда босиб ўтиб, биринчи олтин медални қўлга киритгандим, – дейди Беҳруз ғурурланиб.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг кўпкураш факультетини тугатиб, бир муддат Коган туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббийлик қилган Беҳруз шу йилнинг 4 май кунидан ички ишлар органларидаги хизмат фаолиятини бошлади. Дастлаб, икки ой Туркманистон ҳудудидан кучли шамол кириб келиш оқибатида юз берган табиий офат туфайли кўп зарар кўрган Қоракўл туманидаги маҳаллаларда вужудга келган талафотларни бартараф этиш ва аҳолига ёрдам кўрсатиш мақсадида жалб қилинган ички ишлар органлари ходимлари сафида жавлон урди, қурилиш-тиклаш ишларига фаоллик билан ҳисса қўшди. Сўнгра Коган тумани ИИБда профилактика инспектори лавозимида хизмат фаолиятини бошлади.

Унга профилактика катта инспектори, капитан Илҳом Худойқулов мураббий этиб бириктирилди.

Лейтенант Беҳруз Асадов хизмат олиб бораётган «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинида 2700 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Хизмат ҳудуди тошлоқ бўлганлиги сабабли, тош-қум аралаш маҳсулот ишлаб чиқарувчи 17 та завод ишлаб турибди. Қолаверса, чегара ҳудуди Тўдакўлгача етиб боради. Фуқаролар заводларда ишлашдан ташқари, деҳқончилик билан ҳам шуғулланишади. Ҳудудда ишсизлик муаммоси деярли йўқ. Шу боис ҳам маҳаллада жиноят содир этилмади, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кам учради. Оилавий низолар онда-сонда учраб турса-да, дарров жойида яраштирилгани ёш ходимнинг «қанотлари» мустаҳкамлигидан далолат беради. Маҳалла раиси Зокир Султонов кўпни кўрган, зиёли киши. У Беҳрузга оталарча ғамхўрлик қилиб, маслаҳату насиҳатларини аямай келяпти. Қолаверса, устози, капитан Илҳом Худойқулов ҳам ёш профилактика инспекторини ҳар жабҳада қўллаб-қувватлаб туради.

Айни пайтда Беҳруз Асадов наврўзликларнинг тинчлик-осойишталигини таъминлаш йўлида самарали фаолият олиб бориш билан бирга, спортни ҳам ташлаб қўйгани йўқ. Ҳудудидаги мактабнинг спорт майдончасида югуриб, ўзини чиниқтириб келяпти.

Ёшларга ишониб топширилаётган вазифалар тўла адо этилаётганидан ғурурланса арзийди. Лейтенант Беҳруз Асадов каби фидойи ёшлар ана шундай ишонч ва ибратга сазовор бўлаётган ходимлардандир.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Бухоро вилояти.*

**Суратда:** *лейтенант Беҳруз Асадов устози, капитан Илҳом Худойқулов билан.*
**Муаллиф олган сурат.**

БИЛАСИЗМИ?

**2019 йил 26 мартдан профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари лавозими жорий этилди.**




**Бехзод МУХАММАДКАРИМОВ,**
**актер театра и кино:**



– От всей души хочу поздравить доблестных сотрудников органов внутренних дел с профессиональным праздником.

Ваша служба достойна уважения и почета. Днем и ночью, в любую погоду вы самоотверженно, проявляя бесстрашие и мужество, несете службу во имя обеспечения мира в стране, благополучия и спокойствия народа. Воистину, профессия стража правопорядка всегда была и остается делом людей решительных, благородных и отважных.

Уважаемые сотрудники органов внутренних дел! Желаю вам крепкого здоровья, бодрости духа, пусть успех и удача сопутствуют вам в жизни и профессиональной деятельности.



# КНИЖНАЯ ЯРМАРКА ДЛЯ КНИГОЛЮБОВ







**Для эффективного выполнения оперативно-служебных задач сотрудники органов внутренних дел должны обладать системой профессиональных знаний, умений и навыков. Не менее высокие требования предъявляются и к их личностному потенциалу.**

Чтение является одним из базовых компонентов воспитания, образования и развития интеллектуальной и эмоциональной сферы человека, формирования мотивации к саморазвитию. Оно одно из значимых средств сохранения культурного потенциала общества, преемственности знаний, существенный фактор всестороннего развития личности.

Управлением кадров УВД Наманганской области для сотрудников городских и районных подразделений была организована **книжная ярмарка.** Здесь были представлены более **500 книг** ведущих издательств республики. Сотрудники могли приобрести научно-популярные книги правовой тематики, а также полюбившиеся им художественные произведения узбекской и мировой литературы. Участники мероприятия отмечали высокое качество и дизайн книг.

Целью организованного мероприятия является формирование позитивного отношения к книге, развитие стремления к самосовершенствованию, расширению кругозора, обогащению знаний, повышение читательской культуры сотрудников.

**Азиза ЖАНИЕВА,**
**корреспондент**
**«На посту».**
*Наманганская область.*

### ТЕРГОВНИ БИЛИМДОНЛАР ОЛИБ БОРАДИ

# БОШ МЕЗОН – АДОЛАТ ВА ҚОНУН

**Жорий йилда Шароф Рашидов тумани ИИБ биносида махсус тергов, ўсмирларни тергов қилиш, тасвир ва овоз ёзилиши ҳамда кузатувни таъминлаш хоналарига эга тергов мажмуаси барпо этилди. Яқин муддатларда мажмуани зарурий ускуна ва қурилмалар билан таъминлаш режалаштирилган.**



Тергов бўлими ходимлари томонидан фаолият самарадорлигини ошириш чоралари кўрилаётир. Чунончи, жорий йилнинг ўтган даврида 102 та жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилиб, 85 таси тамомланди. Бу жараёнда жисмоний ва юридик шахсларга 854 миллион 679 минг сўм моддий зарар етказилгани аниқланиб, 771 миллион 924 минг сўм ундирилиб, эгаларига қайтарилди. Терговлар давомида муқаддам содир этилган учта жиноят фош қилинди. Бу даврда қўшимча терговга қайтариш ҳолатлари кузатилмади.

– Терговчи бошчилигидаги тергов-тезкор гуруҳининг билим, тажриба ва маҳоратга таяниб иш кўриши жиноятларни «иссиқ изида» фош этиш имконини беради, – дейди туман ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими бошлиғи, капитан Бахтиёр Ширинқулов. – Терговда ҳаққонийликка эришиш учун терговчи психолог ҳам бўлиши керак. Шунда у тергов қилинаётган шахснинг характери, дунёқарашига мос услубни танлайди ва кўрилаётган ишга атрофлича ойдинлик киритади. Тергов қилинаётган шахснинг рост ёки ёлғон гапираётганини аниқлаш учун ички сезги ҳам зарур, аммо терговчи ҳар қандай ҳолатда ҳам далил, исбот ва гувоҳларнинг кўргазмаларига таяниб иш кўриши керак. Қисқаси, терговчининг мезони адолат ва қонун бўлиши шарт.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, туман ИИБ ҳузуридаги тергов бўлимининг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, терговчилар «Норма», «Radmin», «ОСК», «AIB O‘zbekiston», «Ф-1» каби дастурлар орқали амалдаги қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгаришлар, шунингдек, муқаддам судланганлар, жиноятлар, автотранспорт воситалари, қурол-яроғларга оид маълумотларни саноқли сонияларда олиш, таҳлил қилиш ва жиноятни баҳолаш имкониятига эга. Қолаверса, бўлимда тергов жараёнини тасвирга олиш ва овоз ёзиш шароити юзага келтирилган. Бу омиллар инсон ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоялаш ҳамда тергов фаолиятини қулайлаштириш ва вақтни тежашга хизмат қилмоқда.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*
**Муаллиф олган сурат.**

### КИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИ

**Жиноятларни «иссиқ изида» фош этишда хизмат итларининг катта ўрни бор. Шу боис Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ раҳбарияти томонидан кинология хизматини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

# АҚЛЛИ ЖОНИВОРЛАР КЎМАГИДА

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида республикада жиноят қидирув йўналиши бўйича содир этилган 748 та жиноятнинг 111 таси хизмат итлари ёрдамида фош этилди. Ушбу жиноятларнинг 83 таси ўғрилик, 16 таси гиёҳвандлик, 8 таси қотиллик ва 4 таси бошқа жиноятлар туркумига киради.

Масалан, 16 август куни Тўрткўл туманидаги «Мискин» ЙПХ постида «Хилд» лақабли хизмат ити билан ўз вазифасини ўтаётган сафдор Азизбек Нурниязов Тошкент – Нукус йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган «Исузу» автомашинаси ҳайдовчиси шубҳа ўйғотгани учун автоуловни текшириб кўришга қарор қилади. Ходим адашмаган экан. Боиси, текширув пайтида автобус салони ичидан 746 дона психотроп дори воситаси топилди.



– Хизмат самарадорлигига эришишда ходимлар малакасини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизмати бошлиғи, подполковник Юсуп Меретов. – Шу боис ҳам кинология хизмати ходимлари иштирокида 30 кунлик махсус курслар ташкил этиляпти. Ушбу махсус курсларда кичик инспектор кинолог ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, ўзларига бириктирилган хизмат итларини умумий ва махсус курсларда қайта тайёрлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

**Женис АЛЛАМБЕРГЕНОВ,**
**катта сержант.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

### ЙЎЛ ҚОИДАНИ ЁҚТИРАДИ

# ВЕЛОСИПЕД МИНГАНДА ҲУШЁР БЎЛ!

**Фарғонада велосипедлар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга жиддий киришилди**





Кундалик ҳаётда кўплаб фуқаролар велосипеддан фойдаланишади. Енгил ва қулай транспорт воситаси саналувчи велосипедлар узоғимизни яқин қилиб, манзилимизга тез ва осон етказади. Аммо унда ҳаракатланишнинг ҳам ўз йўриғи бор. Уларга амал қилмаганлар ёки лоқайд бўлганлар йўлда нохуш ҳолатларга дуч келиши мумкин.

Жорий йилнинг дастлабки 9 ойи давомида Фарғона вилоятида жами 635 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган бўлса, уларнинг 29 фоизи велосипедчилар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу даврда велосипедчилар иштирокида 186 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, 38 нафар фуқаро ҳалок бўлган, 155 нафар фуқаро турли даражадаги тан жароҳатлари олган.

Шуни инобатга олган ҳолда, тарғибот-ташвиқот тадбирларида мототранспорт ҳайдовчилари ва велосипедчиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Велосипед ва мототранспорт воситаларини бошқарадиган фуқаролар билан профилактик суҳбатлар ўтказилиб, мототранспорт ҳайдовчиларига шлемлар, велосипедчиларга эса тунги вақтда нур қайтарувчи нимча ҳамда жиҳозлар тарқатилмоқда.

Шу билан бирга, огоҳлантиришларга қарамасдан, куннинг қоронғи вақтларида ёритиш чироқларисиз, нур қайтарувчи воситалар билан жиҳозланмаган ҳамда маст ҳолда велосипед бошқарган фуқароларни аниқлаш бўйича тадбирлар ҳам ўтказилмоқда.

– Аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида жорий йилнинг 20 октябридан 22 октябрь кунига қадар 489 та велосипед вақтинчалик жарима майдонига олиб кирилган бўлса, 13 нафар фуқарога маст ҳолда велосипедда ҳаракатланганлари учун тегишли тартибда чора кўрилди, – дейди вилоят ИИБ ЙҲХБ тарғибот гуруҳи катта инспектори, лейтенант Элбек Қобилов. – Бундай тадбирлар вилоятда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга, фуқаролар ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*

### БИЛАСИЗМИ?

**2019 йил 1 январдан эътиборан, ИИВ ЖИЭББ ҳузурида Пробация хизмати ва тегишлича унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди.**

# 25 ОКТЯБРЯ – ДЕНЬ СОТРУДНИКОВ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ






## ПОЗДРАВЛЕНИЕ



**Господин Дж. Партасарати, советник IT Park Uzbekistan:**

– По долгу службы я объездил все регионы Узбекистана. Во время поездок с большим интересом изучаю вашу культуру, знакомлюсь с достопримечательностями и памятными местами.

Находясь в Узбекистане, всегда чувствую себя в безопасности. Поверьте, не о каждом государстве можно сказать так.

Хочу рассказать о случае, который произошел со мной в Ташкенте. Я на машине возвращался ночью со встречи с друзьями и несколько заблудился. Увидев на дороге представителя ДПС, остановился и попросил разъяснить, как мне добраться до дома. Молодой сотрудник детально объяснил. Убедившись, что я все понял, он, пожелав счастливого пути, процитировал слова Президента Узбекистана о том, что к каждому посетителю страны следует относиться как к гостю. В моих глазах этот сотрудник поднял имидж всей системы органов внутренних дел Узбекистана.

Поздравляю сотрудников органов внутренних дел Республики Узбекистан с профессиональным праздником. А стражам правопорядка главного города вашей страны желаю не уставать в деле укрепления ее статуса, который, на мой взгляд, можно обозначить как «Ташкент – безопасная столица».

САМООТВЕРЖЕННЫЕ СОТРУДНИКИ

# ПРОЯВЛЯЕТ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ И ПРОФЕССИОНАЛИЗМ

**Начальник отдела по организации следственной деятельности СУ при ГУВД г. Ташкента подполковник Виталий Талибджанов по своей сущности является перфекционистом, то есть человеком, который неустанно работает над своим профессиональным уровнем, расширяет кругозор, стремится к знаниям и наилучшим показателям в службе. Этого опытного следователя, образцового сотрудника и просто замечательного человека я знаю на протяжении многих лет, и скажу вам, уважаемые читатели, – побольше бы таких нам профессионалов!**



В. Талибджанов пришел в органы внутренних дел двадцать лет назад. После окончания школы, твердо определившись с выбором профессии, поступил в Академию МВД Республики Узбекистан. Стезя следователя его привлекла необходимостью аналитического многопланового подхода. Здесь нужно, как говорится, смотреть в корень проблемы, не исключая, казалось бы, мелочей, способных весьма серьезно повлиять на ход расследования, целью своей ставить результат – не обвинить или оправдать, а найти истину, которая и решит окончательно вопрос. Этому необходимо учиться долгие годы, приобретать бесценный опыт и знания.

– После окончания Академии МВД свою деятельность в следственном звене я начал с УВД (ныне УКД ОВД) Шайхантахурского района столицы, – рассказывает Виталий Талибджанов. – Благодарен первому наставнику – Шокиру Абдумаликову, который многому меня научил, щедро делился богатым профессиональным опытом, был рядом в трудный момент. Это очень важно, когда в твоей жизни есть человек, которому небезразлично, кем ты станешь в будущем.

Следует отметить, что какую бы должность в следственном подразделении ни занимал герой нашего повествования, его всегда и везде отличают особый подход к работе, ответственность к порученному делу. На сегодняшний день он один из лучших специалистов Следственного управления при ГУВД г. Ташкента. Являясь руководителем отдела по организации следственной деятельности, В. Талибджанов прилагает максимум усилий к тому, чтобы работа, проводимая в подразделении, соответствовала установленным стандартам и правилам в свете осуществляемых в нашей стране реформ и преобразований.

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент**
**«На посту».**




ВНИМАНИЕ К ЖЕНЩИНЕ – ВНИМАНИЕ К БУДУЩЕМУ

# Они помогают обрести мир в семье

**Сотрудники отделения по вопросам женщин УКД ОВД Алмазарского района регулярно проводят мероприятия, направленные на обеспечение прав и законных интересов женщин, выявление и решение их проблем, улучшение атмосферы в семьях, оказание практической помощи супругам, находящимся на грани развода.**





Так, в дежурную часть УКД ОВД Алмазарского района поступило сообщение о том, что 54-летний Ш. Т. проявляет агрессию в отношении своей супруги, 41-летней Ш. А., проживающей на массиве «Шифокорлар». Старший инспектор по вопросам женщин ОВД № 1 майор М. Анарбаева вместе с территориальным инспектором профилактики изучили условия проживания семьи, обстановку, сложившуюся в доме. Женщина рассказала сотрудникам, что супруг частенько злоупотребляет спиртными напитками и ведет себя агрессивно, устраивает скандалы, даже поднимает руку на нее и ребенка. Она терпела, ничего не говорила родственникам. Но 6 октября муж в очередной раз пришел домой пьяный и начал выяснять отношения, дело дошло до рукоприкладства. Это стало последней каплей, и женщина была вынуждена обратиться за помощью в ОВД. В отношении Ш. Т. были установлены соответствующие ограничения, а его супруге – выдан охранный ордер сроком на один месяц. С семьей продолжали проводить профилактическую работу. Гражданин Ш. Т. сделал соответствующие выводы, исправился. Семья как ячейка общества сохранена.

Поступило сообщение о том, что в махалле Шодиёна между собой повздорили соседи. Старший инспектор по вопросам женщин вместе с активистами махалли разбирали данную ситуацию. Как оказалось, у 36-летней Н. Х. и 40-летней Э. Б., проживающих в одном подъезде, возникли разногласия. Взаимные оскорбления вызвали беспокойство остальных жителей многоэтажки. Неравнодушные соседи сообщили о случившемся в органы внутренних дел. С женщинами провели профилактическую беседу, им был выдан двусторонний охранный ордер.

В другом случае к старшему инспектору по вопросам женщин ОВД № 3 Алмазарского района подполковнику Ш. Мирзакаримовой обратилась за помощью жительница махалли Себзор. Женщина сетовала, что не может справиться с дочерью-подростком. Она перестала слушаться старших, огрызается, общается с сомнительными лицами, уходить из дома в позднее время суток. Старший инспектор по вопросам женщин внимательно выслушала ее и дала оптимальные рекомендации для решения имеющейся проблемы. С девочкой также провели профилактическую беседу, объяснили, что к родителям нужно относиться уважительно.

Проблемы возникают не только у молодых. В защите нуждаются и пожилые люди. Так, у 72-летней З. З. возникли разногласия со снохой, 38-летней З. М., по поводу жилищного вопроса. Сноха постоянно конфликтовала и притесняла пожилую женщину. В отделении изучили все обстоятельства, З. З. был выдан охранный ордер.

Сотрудники отделения по вопросам женщин УКД ОВД Алмазарского района решают возникающие вопросы и помогают многим семьям обрести мир в доме, поддерживают молодых и пожилых женщин, подвергшихся насилию и притеснению. Работа в этом направлении продолжается.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

# ОТ ПРИТЕСНЕНИЯ ЗАЩИТИТ ОРДЕР

**В Узбекистане защита прав, свобод и законных интересов женщин является одним из приоритетных направлений государственной политики. В стране действуют эффективные организационно-правовые механизмы, реализуются государственные программы и стратегии, направленные на обеспечение гендерного равенства, создание в обществе атмосферы нетерпимости к любым проявлениям притеснения в отношении женщин.**



Сотрудниками отделения координации профилактики правонарушений ОВД Уртачирчикского района Ташкентской области во взаимодействии со специалистами отдела по поддержке махалли и семьи, с участием представителей общественности ведется целенаправленная деятельность по обеспечению прав и законных интересов женщин, проживающих на вверенной территории, ограждению их от любых форм насилия.

Женщинам, оказавшимся в сложной жизненной ситуации, предоставляются юридические консультации, социальная, психологическая, медицинская и иная помощь. В необходимых случаях в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О защите женщин от притеснения и насилия» жертвам притеснения и насилия выдается охранный ордер – документ, предоставляющий им государственную защиту.

За истекший период нынешнего года 35 жительницам района, столкнувшимся с семейными проблемами, подвергшихся притеснению, в установленном порядке выданы охранные ордера. В свою очередь индивидуальная работа проведена с лицами, склонными к совершению притеснения и насилия: им разъяснены правовые последствиях антисоциальных действий.

Так, гражданка М. Х., проживающая на территории махалли им. А. Юлбарисова, обратилась в органы внутренних дел за помощью: ее супруг, А. С., регулярно проявлял к ней агрессию, оказывал психологическое давление, а после очередного, устроенного им же, семейного скандала, выгнал жену из дома. Сложившееся положение было детально изучено, М. Х. выдан охранный ордер, на основании решения суда она вернулась домой. В данном случае вопрос урегулирован в правовой плоскости, но предстоит немало еще сделать и для улучшения духовной обстановки в семье.

Ошибочно думать, что притеснение в отношении женщин могут проявлять лишь их супруги. К примеру, агрессию и грубость, причем в самой нелицеприятной форме, к жительнице махалли Учкопи У. Х. проявлял брат мужа – Б. Х. Урезонить родственника-самодура, возомнившего из себя не весть что, не могли даже заступавшиеся за невестку близкие. Устав от оскорблений, унижений, не желая больше терпеть это, женщина обратилась в ОВД. В ходе проверки факты, изложенные гражданкой, полностью подтвердились. У. Х. выдан охранный ордер, а Б. Х. предупрежден: в случае повторного антисоциального поведения он будет привлечен к ответственности. Действия Б. Х. находятся под пристальным вниманием блюстителей порядка.

**Лола ШАРИПОВА,**
**инспектор по вопросам женщин ОВД Уртачирчикского района, майор.**
**(Фото из архива.)**
*Ташкентская область.*

СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАРДА

# ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР КУЗАТИЛМОҚДА

**Бугун ҳеч бир соҳани алоқа ва ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу маънода, мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимида мазкур масалага устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Мавзуга Жиззах вилояти ички ишлар органлари фаолияти мисолида ёндашадиган бўлсак, қуйидагиларни эътироф этиш мумкин.**



Вилоятда кўчалар, йўллар, аҳоли тўпланадиган жойлар, ташкилот, корхона ва муассасалар, савдо, маданий, маиший, спорт, хизмат кўрсатиш ва овқатланиш шохобчаларига 10 минг 547 та кузатув камералари ўрнатилган. Мазкур қурилмаларнинг 2 минг 560 тасидан узатилган тасвирлар ички ишлар органларига тўғридан-тўғри интеграция қилинган. Ситуацион марказлар орқали назорат қилиб бориш имкони бор.

Аҳоли сони, автомашиналар ҳаракати тиғизлиги инобатга олиниб, Жиззах шаҳридаги гавжум жойларга юзни танувчи 32 та, автоуловлар давлат рақами ва белгиларини аниқловчи 25 та, шовқинни сезувчи 15 та айланма ҳамда 51 та қўзғалмас камералар ўрнатилган. Айтганча, ички ишлар органларининг махсус техникалари ҳам кузатув камералари билан жиҳозланмоқда.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ва содир этилганларни фош этишда муҳим аҳамиятга эга мазкур ускуналарнинг узлуксиз ва самарали ишлаши эса вилоят ИИБ Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бўлими ходимлари томонидан таъминланмоқда. Соҳа вакиллари ускуналарни ўрнатиш, дастурлаш, созлигини таъминлаш чораларини кўришади.

Шунингдек, бўлим ходимлари тизимда ахборот алмашинувига, яъни қўл рациялари, стационар ва автоуловларга ўрнатилган рациялар, симли ва уяли алоқа воситалари ҳамда интернет орқали алоқани таъминлашга масъулдир. Айтганча, жорий йилнинг 3-чорагида бу йўналишда илғор технология жорий этилди.

– Вилоятимизнинг 3 та ҳудудида ультра қисқа тўлқинли қўзғалмас радио алоқа ретрансляторлари ўрнатилди, – дейди вилоят ИИБ Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бўлими бошлиғи, подполковник Ғулом Собиров. – Бу тизим вилоятнинг исталган ҳудудидаги ички ишлар органлари ходимларининг рация орқали бир-бири билан боғланиш имконини беради. Илгари қўл рациясидан 15–20 километрлик масофа оралиғида фойдаланилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 150 километрни ташкил қилмоқда. Шунингдек, бу йил вилоятдаги барча ички ишлар бўлимларидаги дастлабки суриштирув хоналарига овоз ва тасвир ёзиш камералари ўрнатилди. Ушбу қурилмалардаги тасвир ва овоз тўғридан-тўғри ИИВ ҳузуридаги Тергов департаментига узатилади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, кўрсатмалар аниқлигини таъминлаш, суриштирув жараёнида хато ва камчиликларга йўл қўймаслик имкониятлари кенгайди. Вилоят ИИБ навбатчилик қисмида эса «102» телефон рақами орқали олинадиган хабарларни марказлашган тарзда қабул қилувчи хона ташкил этилди. Худди шундай, айни кунларда вилоятдаги барча ички ишлар бўлимларидаги ахборот алмашинувини таъминловчи интернет тезлигини 5 Мбитга етказиш устида иш олиб борилаётир. Маълумотларни ҳимоялаш борасида ҳам самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш керак, бўлимимиз ходимлари томонидан бир қатор инновацион технологиялар яратилди. Жумладан, автоуловлар тагини тасвирга олувчи қурилма ҳамда пиёдаларнинг қонунбузарликларини қайд этувчи восита тайёрланди.

Хуллас, вилоят ИИБ тизимида алоқа, ахборот алмашинуви ва маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар самарали ташкил этилмоқда.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*



# ҲОЛИН БИЛГАН ҲОРИМАС

**Жорий йилнинг ўтган даврида Жарқўрғон туманидаги 38 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят қайд этилмади. Бунинг сабаби билан қизиқяпсизми? Албатта, бу кундузи фидойиларча хизмат қилиб, кечаларни бедор ўтказаётган, уйига алламаҳалда бориб, қуёш уйғонмасдан яна ўз вазифасига киришаётган туман ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижаси. Бинобарин, бугун туман аҳли осойишта умргузаронлик қилиши учун, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка барҳам бериш мақсадида айтса арзигулик ишлар амалга оширилмоқда.**



Сир эмас, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бирор чора кўришдан олдин, аввало, содир этилаётганларининг сабаб ва омиллари чуқур таҳлил қилиниши лозим. Шунда жиноятчиликнинг фақат оқибатларинигина эмас, балки келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш мумкин бўлади. Туманда 25 сентябрдан 25 октябрга қадар ўтказилган «Турмуш» тадбиридан кўзланган мақсад ҳам шу аслида.

– Тадбир доирасида оилавий келишмовчиликлар, айниқса, рашк, мол-мулк талашиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида олинган хабарлар ҳамда фуқаролардан тушган ариза ва мурожаатлар таҳлил қилиниб, қатъий назоратга олинди, – дейди туман ИИБ ҲПБ ҲҚМБ катта инспектори, майор Юлдуз Имомова. – Натижада ажрим ёқасига келиб қолган 27 та оила яраштирилиб, яна 45 та оила билан профилактик суҳбатлар олиб борилди. Қолаверса, хотин-қизларга жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш ниятида 55 нафари ишга жойлаштирилди. Яшаш шароити оғир бўлган 27 нафар хотин-қизга эса «Замин» халқаро фонди ҳисобидан моддий ёрдам ажратилди, 17 нафарига ҳимоя ордери берилди.

Айни пайтда тумандаги криминоген вазиятни барқарорлаштириш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида «Ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва хизмат фаолиятини такомиллаштириш» ойлиги доирасида профилактика инспекторлари томонидан маҳаллалар, хонадонларда, жамоат ташкилотларида профилактик суҳбатлар олиб борилиб, тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Таъкидлаш кераккки, тумандаги ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Жамоатчилик назорати» масканлари ташкил этилган бўлиб, уларда доимий тунги навбатчилик олиб борилиши йўлга қўйилган. Бу ҳам ўзининг ижобий натижасини беряпти. Аниқроғи, бунинг ҳосиласини ўғрилик билан боғлиқ жиноятчилар салкам 44 фоизга камайганида кўриш мумкин.

Илгари судланган ва бошқа тоифаларда профилактик ҳисобда турувчи шахслардан 28 нафари устидан маъмурий назорат ўрнатилган. Шунингдек, даромад манбаига эга бўлмаганларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, уларга туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими билан биргаликда ижтимоий, молиявий жиҳатдан ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Албатта, ҳеч бир иш камчиликлардан холи эмас. Буни яхши фаҳмлаган туман ИИБ ходимлари ҳам йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, содир этилган ҳар бир жиноятни келтириб чиқарган шарт-шароит ва омилларнинг, туб моҳиятини аниқлаб, уларни тегишли ҳудуд, маҳалла, корхона ва муассасалар кесимида бартараф этиш, жиноятлар қайта содир этилишининг олдини олишга қаратилган «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқишди. Эндиликда ана шу «Йўл харитаси» бўйича тадбирлар изчиллик билан олиб борилаётир.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*








**ИИВ Марказий госпитали 1-терапия бўлими бошлиғи, подполковник Гулчеҳра Қосимова ва 1-неврология бўлими катта ординатори, майор Муяссар Исамуҳамедова.**

**ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси, подполковник Дониёр Қамбаров ва катта терговчи, майор Талъат Элбеков хизмат пайтида.**

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ УЧУН





**Касб байрами муносабати билан Самарқанд вилояти ИИБда шахмат, шашка, мини футбол, стол тенниси ҳамда амалий ўқ отиш бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган турнир катта спорт байрамига айланиб кетди.**

Қизғин баҳс ва курашларга бой бўлган мусобақа якунида ғолиблар ва совриндорлар аниқланди. Энг муҳими, улар орасида аёллар ҳам кўпчиликни ташкил этди.

– Стол тенниси беллашувида биринчи ўринни эгалладим, – дейди сафдор Дилдора Набиева. – Бу менга муносиб байрам совғаси бўлди. Спорт билан мунтазам шуғулланиш ички ишлар органлари ходимлари учун жуда муҳим.

Ғолибларга вилоят Ички ишлар бошқармаси томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЎҚУВЧИЛАР БЕЛЛАШДИ



ИИВ Хоразм академик лицейида ўтказилган байрам тадбирида лицейнинг 3-босқич ўқувчилари Калашников автоматини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва йиғиш, ички ишлар органлари фаолиятига доир маълумотлар айтиш, махсус фанлар бўйича ҳуқуқий саводхонлик ҳамда фаолиятга доир масаланинг ечимини топиш шартлари бўйича ўзаро баҳс олиб боришди. Натижада 301-гуруҳ ўқувчиси Жамшидбек Самандаров биринчи, 305-гуруҳ ўқувчиси Шахруза Аминбоева иккинчи, 306-гуруҳ ўқувчиси Гулноза Жуманазарова ҳамда 307-гуруҳ ўқувчиси Мардона Жумабоева учинчи ўринни эгаллади.

Беллашув ғолиблари вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**Ўз мухбиримиз.**







ИИВ Кадрлар бош бошқармаси ҳамда ИИВ таркибий бўлинмалари ходимлари Бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган ИИВ Марказий аппарати соҳавий хизматлари, таълим муассасалари ҳамда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ жамоалари ўртасида спортнинг шахмат тури бўйича мусобақадан лавҳалар.

**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**






МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ҚИЙНОҚҚА СОЛИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК – УСТУВОР ВАЗИФА

**Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги Бош қомусимиз, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси, шунингдек, Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенцияда белгиланган. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноий жавобгарлик назарда тутилган.**

Масаланинг моҳиятига чуқурроқ қарайдиган бўлсак, бундай хатти-ҳаракатлар ислом динида ҳам қораланганини, хусусан қийнаш зулм деб юритилганини ва унинг барча турлари ҳаром қилинганини кўришимиз мумкин. Фикримизни бир қатор энг саҳиҳ ҳадислар, ибратли ҳикоят ва ривоятлар битилган китобларимиз ҳам тасдиқлаб турибди. Зеро, инсон, унинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлигини таъминлаш, унга тажовуз қилишга қарши курашишнинг ўзида ҳам юксак инсоний фазилатлар мужассамдир.

Агар кейинги уч-тўрт йил ичида мазкур соҳада олиб борилган ишлар кўлами ва самарадорлиги таҳлилларига назар солинса, ички ишлар органлари тизимида ҳам қийноққа солиш, шафқатсиз ва ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик борасида бир қатор ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз.

Хусусан, жорий йилнинг 16 июнида Ички ишлар вазири ҳузурида ўтказилган йиғилишда қийноққа солиш, шафқатсиз ва ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи хатти-ҳаракатларнинг барвақт олдини олиш ва бундай ҳолатларга келгусида йўл қўймаслик мақсадида алоҳида чора-тадбирлар белгилаб олинди. Жумладан, ички ишлар органларига келтирилган ва ушланган шахслар билан янги ташкил этилган 492 та сўровхоналарда суҳбат ва сўровлар ўтказилиши, бу борадаги барча хатти-ҳаракатлар видеокузатув мосламалари орқали қайд этиб борилиши қатъий назоратга олинди. Энг муҳими, бу ишларни амалга ошириш учун жойлардаги ички ишлар органларининг биринчи раҳбарлари ва тергов бўлинмалари бошлиқлари шахсан масъул эканлиги уқтирилди.

Бундан ташқари, вазирлик ҳузуридаги Тергов департаментининг 28 та хизмат хонасига, шунингдек, ҳудудий тергов бўлинмаларининг суриштирув ва тергов хоналарига процессуал ҳаракатларни видеотасвирга олиш имконини берувчи жами 735 та видеокузатув мосламалари ўрнатилди.

Шунингдек, жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида ҳамда ёпиқ турдаги колонияларда адвокатлар билан алоҳида учрашув хоналари қайта жиҳозланиб, адвокатлар учун видеокузатув воситаларисиз ҳамда эшитиш мосламаларисиз алоҳида хоналар ташкил этилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, 2020 йил 16 январда ўтказилган вазирлик ҳайъати мажлисида барча ички ишлар органлари раҳбарларига ҳудудида жойлашган вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар билан шахсан учрашиб, улар билан суҳбатлашиш вазифаси юклатилган эди. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида аниқланган салбий ҳолатларга чек қўйиш, адолатни қарор топтиришда одиллик ва инсонийлик тамойилларига амал қилиш устувор вазифалардан бири эканлиги янада ойдинлашди.

> Вазирлик ҳузуридаги Тергов департаментининг 28 та хизмат хонасига, шунингдек, ҳудудий тергов бўлинмаларининг суриштирув ва тергов хоналарига процессуал ҳаракатларни видеотасвирга олиш имконини берувчи жами 735 та видеокузатув мосламаси ўрнатилди.







Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, айрим мутасадди раҳбарларнинг қўл остидаги ходимлари томонидан фуқаролар билан мулоқот қилишда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш каби салбий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш масаласига масъулиятсизлик билан ёндашиш ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида 2020 йил 16 июнда Ички ишлар вазирининг тегишли фармойиши қабул қилинди.

Ушбу фармойиш талаблари асосида вазирликнинг соҳавий хизматлари масъул ходимларидан иборат гуруҳлар томонидан барча ҳудудларда шахсий таркиб ва уларнинг ота-оналари ҳамда қариндошлари билан қийноқларнинг олдини олиш ва бошқа салбий хатти-ҳаракатлар юзасидан сайёр профилактик-тушунтириш тадбирлари ўтказилди.

Мазкур тадбир якуни бўйича жойларда хизмат интизоми ва қонун бузилишига мойил ҳисобланган ходимнинг хатти-ҳаракатлари ўзлари фаолият юритаётган жамоаларда, уларнинг ота-оналари ёки яқин қариндошлари иштирокида кўриб чиқилди.

Шунингдек, тизимда қийноққа қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш, ички ишлар органларида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомалада бўлиш ҳолатларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида 2020 йил 22 июнда Ички ишлар вазирининг «Ички ишлар органларида қийноққа қарши курашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги буйруғи имзоланди ва ушбу буйруқ асосида тизимда қийноққа қарши курашиш бўйича вазирлик комиссияси таркиби тасдиқланди.

Шу билан бирга, жорий йилда ички ишлар органлари ходимлари томонидан қийноққа солиш ва бошқа жазо турларини қўллаш билан боғлиқ аниқланган ҳолатлар юзасидан мазкур ҳаракатларни содир этган барча ходимлар ички ишлар органлари тизимидан бўшатилди ва уларга нисбатан қонуний чора кўриш учун прокуратура органлари билан ҳамкорлик ўрнатилди. Таъкидлаш жоизки, Омбудсман ва прокуратура органлари томонидан вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар шароитлари ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш аҳволи ўрганиб келинмоқда.

Фикримиз тасдиғи тариқасида, куни кеча Сенат ялпи мажлисида қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний муомалани қўллаш билан боғлиқ жиноятлар масаласида Бош прокуратура ва ИИВга юборилган парламент сўрови натижаси кўриб чиқилганини айтиш мумкин.

Бош прокурор биринчи ўринбосарининг маълум қилишича, у ишлаётган идорага 2020 йилнинг 9 ойи мобайнида қийнаш, қўрқитиш ва бошқа тазйиқлар билан боғлиқ 242 та мурожаат келиб тушган.

Бош прокуратуранинг бошқа тегишли идоралар билан биргаликда қабул қилган қўшма қарорини ҳам бу соҳадаги ижобий қадамлардан бири дейиш мумкин. Мазкур қарорда шахснинг ҳуқуқини чеклайдиган процессуал мажбурлов чоралари, яъни ушлаб туриш, қамоққа олиш, уй қамоғи, лавозимидан четлаштириш каби чораларни қўллаш ҳолатларини янги электрон ҳисобга олиш тизимига киритиб бориш мажбурийлиги белгилаб қўйилди. Эндиликда шахсга қўлланиладиган ушлаб туриш чораси тизимга киритилмаган тақдирда тергов ҳибсхонаси ва вақтинча ушлаб туриш ҳибсхонасига қабул қилинишига йўл қўйилмайди. Бош прокуратура таклифи асосида махсус ваколатли орган – Қийноқнинг олдини олиш қўмитаси ташкил этилиши эса юқоридаги каби салбий ҳолатларга барҳам беришда муҳим қадам бўлади.

Ялпи мажлисда маълум қилинишича, ИИВ томонидан Сенат қарори ижросини таъминлаш бўйича алоҳида чоралар тасдиқланиб, ижрога қаратилгани, хусусан, БМТнинг 1984 йилдаги Конвенцияси ва Жиноят-процессуал кодексига қатъий амал қилиш бўйича янги тартиб йўлга қўйилган. Жумладан, ички ишлар органларининг 468 та маъмурий биноси, 91 та вақтинча сақлаш ҳибсхонаси, 13 та махсус қабулхона, 12 та реабилитация маркази, 43 та жазони ижро этиш муассасаси, 11 та тергов ҳибсхонасида жами 9 547 та кузатув камераси ўрнатилган.

Хулоса қилиб айтганда, бу борадаги ишлар ҳамда ички ишлар органлари ходимлари томонидан БМТнинг 1984 йилги Конвенцияси ва соҳадаги миллий қонунчиликда белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилинишини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар алоҳида назоратга олинган ҳолда давом эттирилмоқда.

**Илҳом ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**подполковник.**

БИЛАСИЗМИ?

**2017 йил апрелдан ИИВ тергов хизмати тизимида суриштирув институти жорий қилинди.**

ВОПРОС ГРАЖДАНСТВА

# Воплощение давней мечты




**В Самаркандской области проживает более 2 400 человек, имеющих статус «лицо без гражданства», и подавляющее большинство из них женщины. Женщинам и детям сложнее всего получить документы и обрести статус полноценных граждан, но в этом направлении осуществляются кардинальные подвижки.**

С начала года более пятисот жителей Самаркандской области обрели статус гражданина Узбекистана. На днях еще более 120 жителей области, приехавших в Узбекистан из сопредельного Таджикистана, получили на торжественной церемонии вручения долгожданные паспорта.

В минувшие годы нестабильная обстановка в Таджикистане изменила судьбы многих людей. 49-летнюю Холбиби Бутаеву в свое время рано выдали замуж. Родители решили, что оставаться на родине ей небезопасно и выдали замуж за родственника, проживающего в Узбекистане. Через некоторое время в Ургут перебрался и ее старший брат, которому в этом году исполнилось 65 лет.

– Вы не представляете, как жить с документом, который никто не признает, – начинает разговор Х. Бутаева. – Лицо без гражданства все равно, что лицо без прав. Повсюду тебя встречают сложности: на границе, при покупке билета, симкарты и при трудоустройстве. Однажды я оказалась между границами государств и не могла попасть ни в одно из них… Все эти годы я боролась за свои права. Моему брату пришлось еще сложнее – он не мог оформить свидетельство о рождении своим детям, устроить их в школу.

На церемонии вручения паспортов 45-летняя Курбонбиби Давронова, держа в руках новенький паспорт, еле сдерживала слезы радости. В самый разгар военного конфликта в Таджикистане она с семьей приехала в Узбекистан. Когда в стране стабилизировалась обстановка, семья решила уехать, но к этому времени Курбонбиби успела выйти замуж и осталась в кишлаке Сойгуст Ургутского района. Сейчас у женщины подрастает семеро внуков. Все эти годы она пыталась получить гражданство, но, увы, безрезультатно.

– Были моменты, когда я чувствовала себя никем, смысл жизни для меня терялся, часто ощущала свою бесполезность, – делится Курбонбиби Давронова. – Самое печальное, что я так и не смогла попрощаться с матерью. Не могу передать вам боль, которую испытывала в тот момент. С трудом верится, что позади мои тяготы с получением визы, восстановлением документов.

Для удобства граждан в конце октября будет запущен онлайн процесс получения гражданства Узбекистана, а также выхода из него. Для этого будет введена межведомственная база данных E-Fuqaro.

– На основе E-Fuqaro будут автоматизированы процедуры приема и рассмотрения заявлений по вопросам гражданства, – отмечает начальник областного Управления миграции и оформления гражданства полковник Даврон Норчаев. – Также будет сформирована единая база данных о натурализации, восстановлении гражданства и его утрате. А уже с 1 января 2021 года будет внедрен механизм подачи заявлений о приеме в гражданство через единый портал интерактивных государственных услуг для лиц, проживающих на территории республики. Люди, постоянно проживающие за рубежом, смогут обращаться через раздел интерактивной консульской службы, размещенный на сайте МИД Узбекистана, с условием последующей личной явки.



**Замира БАЛТАЕВА,**
**корреспондент**
**«На посту».**
**Фото автора.**
*Самаркандская область.*

МОЛОДЕЖЬ – НАШЕ БУДУЩЕЕ

# Обычная работа



**Махалли Куткар и Бозор боши города Кургантепа обслуживает территориальный инспектор профилактики лейтенант Акмалжон Муйдинов. На вверенном ему участке проживает более трех тысяч человек.**

Акмалжон начинает свой рабочий день с приема граждан. Внимательно выслушав каждого, он старается решать вопросы на месте. Если проблемы выходят за рамки его компетенции, то лейтенант переправляет заявления в вышестоящие структуры. После приема граждан – обход вверенной территории. Ничто и никто не остаются без внимания. Подросток, не имеющий медицинской маски, или почтенный аксакал – все получают замечания от стража порядка. Инспектор профилактики в первую очередь посещает дома, где живут одинокие или малообеспеченные семьи. Под особым присмотром находятся лица, склонные к совершению правонарушений. С каждым из них проводится индивидуальная профилактическая беседа. Занятия ведутся пока только в начальных классах, но инспектор профилактики бывает в двух школах, расположенных на участке. Он контролирует соблюдение карантинных мер, изучает условия, созданные для учеников, обучающихся онлайн на дому, проводит беседы с родителями, предоставляет руководству школ данные о детях школьного возраста, воспитывающихся в семьях, находящихся на карантине.

– Недавно оперативным путем была получена информация о том, что в махаллю Куткар наведывается некий Азизбек и сбывает наркотики, – рассказывает лейтенант А. Муйдинов. – Я немедленно доложил об этом начальнику РОВД. Вместе с сотрудниками отделения уголовного розыска была проведена операция. Подозреваемого в хранении и сбыте наркотиков Т. Азизбека задержали. При нем было обнаружено 5,06 г марихуаны. В отношении него возбуждено уголовное дело, ведется расследование. В целом же участок спокойный. Население работает в фермерских и животноводческих хозяйствах. Правонарушения случаются редко.

Акмалжон Муйдинов в 2018 году был принят на службу в органы внутренних дел и направлен на шестимесячные учебные курсы при Академии МВД. С 2019 года служит на вверенном участке.

Он понимает ответственность, возложенную на его плечи, и потому работает с полной отдачей. А результат службы налицо – снижение количества правонарушений на участке.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**
***На снимке:*** *инспектор профилактики лейтенант А. Муйдинов беседует с жительницей махалли Бозор боши М. Исмановой.*
**Фото автора.**
*Андижанская область.*

## АЙЁМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!




КЎПКУРАШ

# ҚИЗҒИН БАҲСЛАРДА КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

**Қарши шаҳрида ИИВ ППХ ва ЖТСБ тизимидаги кинология хизмати кинолог ходимлари ўртасида кўпкураш мусобақасининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ҳамда Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий хизматчиларидан иборат 15 та жамоа таркибида 60 нафар кинолог ходим 60 та хизмат ити билан қатнашди.**



Беллашувлар Қарши шаҳридаги Хизмат итлари питомнигида ўтказилди. Унда иштирокчилар мусобақанинг бир неча шартларига кўра ўзаро баҳс олиб борди. Хусусан, умумий курс, тўсиқларни ошиб ўтиш, биатлон ҳамда из қидирув, гиёҳванд моддалар ва портловчи моддаларни қидириб топиш йўналишлари бўйича шартларда кинологлар бириктирилган хизмат итлари билан бор маҳоратини ишга солишди.

Мусобақа натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин мезбонларга – Қашқадарё вилояти ИИБ жамоасига насиб этди. Ғолиб жамоага I даражали диплом, мусобақа кўчма кубоги ва «Дамас» автомашинаси тантанали равишда топширилди. Тошкент шаҳар ИИББ ва Андижон вилояти ИИБ жамоалари иккинчи, ИИВ Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ва Жиззах вилояти ИИБ жамоалари эса учинчи ўринни эгаллади.



Мусобақада, шунингдек, номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Мусобақанинг из қидирув йўналиши бўйича Навоий вилояти ИИБ жамоаси вакили, кичик сержант У.Нарзиев «Белка», гиёҳванд моддаларни қидириб топиш йўналиши бўйича ИИВ Қоровул қўшинлари бош бошқармаси жамоаси вакили, кичик сержант Ж.Жониқулов «Веола», портловчи моддаларни қидириб топиш йўналиши бўйича Наманган вилояти ИИБ жамоаси вакили, сержант Т.Турсунов «Чингиз» лақабли хизмат ити билан ғолибликни қўлга киритди.



**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қашқадарё вилояти.*

БИЛАСИЗМИ?



**2018 йил 24 декабрда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги байроғи ва эмблемаси намуналари тасдиқланди.**



www. postda.uz   t.me/postdarasmiy   www.facebook.com/postdauz   www.instagram.com/postda_uz

**Postda**
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosari –
mayor Azizjon FAYZIYEV

Mas'ul kotiblar –
Jahongir SHAROVBOYEV
Erkin SATTOROV

Navbatchilar –
Foziljon MAMASHARIPOV
Georgiy PETROSYAN

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo'yicha:
71-231-38-74;
95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001. Bank kodi 00420. ATIB «Ipotekabank»ning Mirobod filiali. STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4380.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 53 827 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.